

А Ж Р И М

(судланганликни олиб ташлашни рад қилиш ҳақида)

2025 йил 18 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман суди, ўз биносида очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси А.Курбонов, судья ёрдамчиси Х.Абдусаломованинг котибалигида, тарафлардан Қизириқ туман прокурори катта ёрдамчиси Ж.Мусаев ва фуқаро М.Шерқобилонинг иштирокида, Шерқобилон Мамасаид Омандавлатовичнинг судланганликни олиш ҳақидаги илтимосномасини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Шерқобилон Мамасаид Омандавлатович (SHerqobilov Mamasaid Omandavlatovich), 09.12.1986 йилда Қумқўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон туман судининг 2017 йил 6 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 10 ой 9 кун ахлоқ тузатиш ишлари тайинланган, 2018 йил 22 январь ҳолатига жазонинг 2 йил 9 ой 21 куни ўталмай қолган;

2) жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг 2018 йил 29 майдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида М.Шерқобилонга жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон туман судининг 2017 йил 6 декабрь кунги ҳукми билан тайинланиб, ўталмай қолган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун иш ҳақининг ўттиз фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, М.Шерқобилоннинг 2018 йил 6 мартдан 2018 йил 29 майга қадар дастлабки қамоқда сақланган 83 кун вақти Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб чегирилиб, тайинланган жазонинг 8 ой 3 куни ўталган ҳисобланган;

3) жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг 2023 йил 10 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон



Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан 6 йил озодликдан маҳрум қилинган, Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 18 майдаги ажримига кўра жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг 2023 йил 10 февралдаги ҳукми ўзгартирилган, М.Шерқобиловнинг ҳаракатлари ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” бандидан 167-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандларига қайта квалификация қилинган, ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандлари билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони ўташ даврида жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судининг 2023 йил 25 июлдаги ажримига кўра ЖКнинг 74-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган 2 йил 7 ой 12 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақини 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг 2024 йил 5 июлдаги ажримига кўра ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган 1 йил 8 ой 9 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, ишсиз, Қумқўрғон тумани, Боғаро маҳалласи, Ҳарбийлар кўчаси 26-уйда яшайди.

Суд, тарафларнинг фикрини тинглаб, тўпланган ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

М.Шерқобиловга охириги марта жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг 2023 йил 10 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан 6 йил озодликдан маҳрум қилинган, Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 18 майдаги ажримига кўра жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг 2023 йил 10 февралдаги ҳукми ўзгартирилган, М.Шерқобиловнинг ҳаракатлари ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” бандидан 167-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандларига қайта квалификация қилинган, ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандлари билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси



тайинланган, жазони ўташ даврида жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судининг 2023 йил 25 июлдаги ажримига кўра ЖКнинг 74-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган 2 йил 7 ой 12 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақини 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг 2024 йил 5 июлдаги ажримига кўра ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган 1 йил 8 ой 9 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган.

М.Шерқобилов ўзининг илтимосномасида, судланганидан буён бирор-бир маротаба маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилмаганлиги, судланганлик ҳолати мавжуд бўлса оила аъзоларининг келажагига салбий таъсир этишини инобатга олиб, судланганлик ҳолатини олиб ташлашни сўраган.

Судда М.Шерқобилов илтимосномасини қувватлаб, суд томонидан тайинланган жазони ўтаб чиққанидан сўнг маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилмаганлиги, судланганлиги сабабли бирор жойга ишга кира олмаётганлигини, Ободонлаштириш бошқармаси ва Тоза ҳудудга ишга кирмоқчи бўлганида судланганлигини важ келтириб ишга қабул қилмаганлигини, унинг судланганлик ҳолатини олиб ташлашни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 78-моддаси “д” бандида, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин тўрт йил ўтгач шахснинг судланганлик ҳолати тугалланиши, 79-моддасида агар, шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жазо ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимосномасига кўра, суд ЖКнинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярми ўтганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкинлиги, ЖКнинг 80-моддаси 1-қисмида судланганлик ҳолатининг тугалланиш ёки судланганликни олиб ташлаш муддатлари асосий ва қўшимча жазолар ўтаб бўлинган ёки ижро этилган кундан бошлаб ҳисобланиши белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра, М.Шерқобиловга жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг 2023 йил 10 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан 6 йил озодликдан маҳрум қилинган, Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 18 майдаги ажримига кўра жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг 2023 йил 10 февралдаги ҳукми ўзгартирилган, М.Шерқобиловнинг ҳаракатлари ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” бандидан 167-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандларига қайта квалификация қилинган, ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандлари билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 228-



моддаси 2-қисми “б” банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони ўташ даврида жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судининг 2023 йил 25 июлдаги ажримига кўра ЖКнинг 74-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган 2 йил 7 ой 12 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга иш ҳақини 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 2024 йил 5 июль куни жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судининг ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган 1 йил 8 ой 9 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 78-моддасига талабига кўра, М.Шерқобиловга суд томонидан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўталганидан сўнг бир йил ўтган бўлиб, ЖКнинг 79-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлгандан кейин камида ярми ўталганидан кейин унинг судланганлигини олиб ташлаш мумкин.

Шундай ҳолатда, М.Шерқобиловга суд томонидан тайинланган жазони ўтаб бўлгандан кейин ЖКнинг 78-моддаси “д” бандига назарда тутилган судланганлик ҳолатининг ярми ўталмаган.

Юқоридагиларга кўра суд, М.Шерқобиловнинг судланганликни олиб ташлаш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Юқорида баён этилганларга ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 77, 78, 79, 80, 423, 544-моддаларига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Шерқобилов Мамасаид Омондавлатовичнинг судланганликни олиб ташлаш ҳақидаги илтимосномаси қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн сутка муддат ичида мазкур суд орқали Сурхандарё вилоят судига апелляция тартибда хусусий шикоят ва прокурор хусусий протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

имзо

А.Курбонов

Аслига тўғри



Ҳужжат имзоланган: Курбонов Акмал Абдишукурович, 19.09.2025

